



РАШИД АФАНДИ

Венгриялик Армин Вамберининг дарвиш киёфасида Рашид афанди, Рашид хожи номлари билан бизни юртимиз бўйлаб килган сафарига 125 йил тўлди.

Мана, ўтган 125 йилдан бери можаристонлик бу сайёхнинг номи жахон халклари энциклопедия, комусларидан тушмайди, унинг ёзиб қолдирган китоблари хануз европаликлар томонидан кизиқиб ўқилади, ўрганилади. Унинг ўзи хақида ўнлаб китоблар ёзилган, филмлар қўйилган. Бунинг боиси нимада? Армин Вамбери ким бўлган?

Армин Вамбери 1832 йилнинг 19 март куни Дунай оролларида бирига жойлашган кичик венгер шаҳри Дуна шердахелида яхудий оиласида тугилган. 12 ёшгача қишлоқ мактабида ўқийди, сўнг Авлиё Георгий гимназиясига қиради. 16 ёшида у можор, лотин тилларидан ташқари, франтсуз, немис, инглиз ҳамда скандинавия тилларини яхши билган, рус ва бошқа славян тилларидан хабари бўлган. Ота-онаси эрта вафот этганлиги сабабли, у ёшлигидан меҳнатдан қочмади.

Тил ўрганишга кизиқиш Вамберида эрта бошланган, Гарб ва Шарк тилларини ўрганиш унинг учун бир орзу бўлган. Вамберининг иккинчи яна бир орзуси бор эди - у венгер тилининг келиб чиқиши, унинг Шарк тиллари билан алоқасини аниқламоқчи эди. Ўша вақтлари ва ундан кейин ҳам, бир қанча олимлар венгер (можор) уруги Ўрта Осиёдан ёки Бошқирд текислигидан қўчиб келган деган тахминни олган суришган. А. Вамбери ёшлигидан бу жумбоққа жавоб ахтариб, Ўрта Осиёни қўриб қайтганидан сўнг, унга жавоб топгандек бўлади. У ёзади: Биз Осиёда тургун бўлиб қолиб кетган уруғларимизни қидиряпмиз, деган фикр ҳатодир... Биз ўз тилимизнинг этимологик тузилишини аниқлашга ҳаракат қиламиз, аниқ маълумот олиш учун қардош шеваларга мурожаат этамиз (Ўрта Осиё бўйлаб саёхат, СПб., 1865, 1-бет).

Маълумки, венгер тили олтой тиллари оиласига қиради. А. Вамберининг орзуи венгер тилини олтой тиллари оиласининг фин-угор гуруҳлари билан ёки туркий тиллар гуруҳига қиришини аниқлаш эди. Шу мақсадда, маълумотли бўлганидан сўнг, у 1852 йили Осиё мамлакатларидан энг яқини Туркияга йўл олади. У ўша йиллари Истанбулга қўчиб ўтиб, ўзига тўқ турк оилаларида гарб тиллари, асосан франтсуз тилидан дарс бера бошлайди.

Аввал Поша Хусайн Доим хонадонида, сўнгра дўсти ва маслахатчиси Мулла Ахмад афанди таъсирида деярли усмонли турк киёфасига киради ҳамда Фуод поша идорасига ишга ўтади. «Бир неча йил турк хонадонларида бўлишим, ислом мактабларига ва китоб дўконларига катнаб юришим», деб эслайди А. Вамбери, «мени тезда туркка, хатто афандига айлантириб қўйди». Истанбулда А. Вамбери турк тили, эски ўзбек тилидан ташкари, араб, форс тилларини кунт билан ўрганади, ислом дини конун-қоидалари билан мукамал танишади ва натижада, ислом динидан олган билими бир мулланинг билимидан ортиқ бўлади. Буларнинг устига 1858 йили Немисча-туркча лугат (тахминан 14 минг сўзли), 1860 йили эса Чигатойча (эски ўзбекча) - немисча лугат (тахминан 40 минг сўзли) тузиб, Истанбулдаги нашриётларда чоп эттиради.

А. Вамберининг бу ишлари Ўрта Осиёга режалаштираётган саёхатининг бошлангич босқичи эди.

Тилларни ўрганишдаги менинг муваффақиятларим, деб хотирлайди у, Шарк бўйлаб саёхатни давом эттиришим учун мени рухлантирди. Мен Ўрта Осиё бўйлаб саёхат қилишга бел боғлар эканман, афанди киёфасини саклаб қолишни ва Шаркка шу мамлакатларнинг табиий фуқароси сифатида кириб боришни тўғри деб ҳисобладим. Ўз режасини амалга ошириш мақсадида А. Вамбери 1863 йилнинг бошида Техронга келади. Эрон пойтахтидаги Туркия элчихонаси бошлиғи уни яхши қабул қилади ва Ўрта Осиёга дарвиш киёфасида амалга оширилади саёхат режаларини ишлаб чиқа бошлайдилар. Бу режа бўйича, А. Вамбери Маккадан келаётган ҳожилар қарвони билан Ўрта Осиёга кириб бориши лозим эди. Армин Вамберининг исм-шарифи ўзгартирилади, энди у Рашид афанди номи билан яшашга мажбур эди. Кейинчалик қарвондагилар уни Рашид хожи деб ҳам атайдилар.

27 март куни Туркиянинг Техрондаги элчиси Рашид афандининг Ўрта Осиё бўйлаб сафари олдидан катта зиёфат беради...

1863 йилнинг 28 март куни Маккадан қайтаётганлар билан бирга кечкурун Рашид афанди дарвиш киёфасида хали бизга номаълум минг хил ҳаёллар, минг хил режалар билан юртимиз томон кела бошлайди.

ВАМБЕРИ ЎЗБЕКЛАР ЮРТИДА

1863 йил 29 май куни А. Вамбери қўшилиб олган қарвон Хева хонлиғи тупроғига қадам қўяди. 30 май куни Хева яқинидаги қишлоқда дам олишади. А. Вамбери: 30 май куни биз ўзбек қишлоғига кириб қелдик. Бу қишлоқ аҳолиси мен қўрган биринчи ўзбеклар эди; «улар жуда ҳам ажойиб инсон эканлар», - деб ёзади дафтарига (63-бет).

Хевани қўрган Вамбери хайратда қолади. «Мен аввал Хеванинг шунчалик чиройлилигини сахро билан қиёсдан бўлса керак, деб ўйлар эдим. Йўқ, йўқ! Хеванинг атрофидаги баланд тераклар, соя ташлаб турган кичик ховлилар (асл нусхада ҳам хавли сўзини ишлатади - Х. И.), қўм-қўқ яйловлар ва тўкин-сочин далалар ҳозир ҳам, - Европанинг гоят гўзал ерларини қўрганимдан кейин ҳам, - мен учун энг чиройли бўлиб туюляпти» (64-бет). Амударёнинг суви ҳақида биз кўп ривоят ва ҳақиқатларни эшитганмиз. А. Вамберининг ёзганлари ҳақиқий далилларга қўшилган бир далилдир: «Дунёда бунга ўхшаш бошқа

дарё йўк, муборак Нил дарёси ҳам бундай эмас дейишарди. Мен бўлсам, бу дарё сувининг тотлилиги сувсиз чўлдан чикиб, унинг киргокларида ором олиш натижасида бўрттириб айтилган гап бўлса керак, деб ўйлардим. Бирок кейинчалик бунинг хатолигига ишондим. Аминманки, мен билган дарёлар ичида суви энг ширини, бу - Амударё сувидир» (78-бет), деб гувоҳлик беради можор сайёҳи.

А. Вамберининг ёзишича, «Хеванинг тупроги бой, у бугдой, шоли, ипак, пахта коғози, сифатли кизил бўёк олинадиган рўён номли илдизи билан шухрат қозонган. Хеванинг мевалари шундай яхшики, унга тенг қеладиган меваларни Эрон ва Туркиядангина эмас, балки Европанинг ўзидан ҳам топиб бўлмайди. Айникса, Хазорасп олмалари, Хеванинг нок ва анорлари тенги йўк, ажабтовур қовунлари жуда ҳам яхши. Унинг қовунлари Пекинга маълум. Айтишларича, Осмон салтанатининг султони вақти-вақти билан Урганч қовунларини хушлаб қолар экан. Бу қовунлар Россияда ҳам юқори баҳода сотилади. Бир арава қишки қовунга бир арава шакар тўлашади» (170-бет).

Яна бошқа бир қитоб - Ўрта Осиё очеркларида А. Вамбери Хева қовунлари хусусида тўхталиб, уларни юқори баҳолайди: «Хева қовунларига ўхшаш қовунларни сиз Осиёдагина эмас, балки бутун ер юзида тополмасиз. Уларнинг ширинлиги тўғрисида европалик ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди. Улар шу даражада ширин ва хушбўйки, оғизда эрийди; агар улар нон билан ейилса, бизга табиат инъом этган энг яхши таом шу бўлади» (226-бет). А. Вамбери 10 та тезпишар, 5 та қишки қовуннинг навларини санаб, уларни таърифлайди.

А. Вамбери ўзбек пахтасига алоҳида эътибор берган. Вамберининг 125 йил аввал чиқарган ҳулосасига кўра, Ўрта Осиё пахтасининг қелажиги қатта. «Туркистон пахтаси ҳинд, эрон ва миср пахтасидан яхши, кўпларининг фикрича, у машҳур америка пахтасидан қолишмайди» (229-бет). А. Вамберини ташвишга солган масала - Ўрта Осиё пахтасини қатат биригина Россия йилдан-йилга кўпроқ харид қилиши. Вамбери бу масалада ҳам ўта синчковлик билан иш тутган. У 1840-1860 йиллар давомида Бухоро амирлиги ва Хева хонлигидан Россия сотиб олган пахтанинг миқдори ва нархи билан қизиққан ва бунинг жадвалини тузган. А. Вамбери жадвалидан кўринадики, ўзбек пахтасининг Россияга қиқиши 1840-1850 йилларга нисбатан 1853-1860 йиллари икки марта ошган. Биригина Бухоро амирлигадан Россия 1840-1850 йиллари 2.065.679 фунт стерлинглик пахта сотиб олган бўлса, 1853-1860 йиллари 4.237.772 фунт стерлинглик пахта олган (231-бет).

Туркистон ўлкасининг қазилма бойлиқлари тўғрисида ҳам А. Вамбери анча қенг ва ҳақиқатга яқин маълумотлар қелтирган. «Мен шундай ҳулосага қелдимки», деб ёзади у, «Туркистон бойлиги қам ўлкалардан эмас. Уни (Туркистонни - Х. И.) қум қардишли олмос, деб бежиз айтишмайди. Қелажакда Ўрта Осиё ҳақиқатан ҳам муҳим аҳамият қасб этади ва Шарқ мамлақатлари ўртасида энг қўзга қўринарли ўринни эгаллайди» (238-бет).

Янги Урганчда етиштириладиган пахта, А. Вамберининг ёзишича, энг сифатли, Хазорасп қилласидан олинадиган ипак бутун Хева хонлигида энг қимматли ҳисобланади, Гурланда энг яхши шоли ўстирилади. Бухоро ва Қўқонда ҳам шундай.

А. Вамбери Туркистоннинг ўсимлик дунёси таърифига қатта эътибор берган. Хар бир ўсимликнинг навларини, қанчадан ҳосил қеришини қўрсатиб ўтади ва Европа билан қиёслади. Бухоро бугдойи энг сифатли саналади, у узун ва ингичка қизил рангли дон беради. Бу бугдой унидан Бухоро шаҳрида шухрат қозонган нон ёпишади. Бу бугдой ҳамма ерда ширмой номи билан шухрат қозонган. Гуруч бу ерларда жуда ҳам мўл; жўҳори учала хонлиқда ҳам қўп эқилади. Мойли эқинлардан қунжут бу ерда яхши ўсади ва қўп мой беради. Зигирдан олинадиган мой овқатга ишлатилади. Пахтанинг қигитидан

олинадиган ёғ овкатга ишлатилмайди, деб таъкидлайди А. Вамбери (223-бет). Бир нарсани олдиндан айтиб қўйишимизга тўғри келади: шахар-кишлоқларимиз, халкимиз, бизгача барча ўсимлик ва хайвонот дунёси, юртимизнинг географик ва стратегик мавқеи ҳақида А. Вамбери ўз асарларида деярли ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қилади. Унинг вазифаси Ўрта Осиёнинг географик, сиёсий, ижтимоий мавқеини тўғри баҳолашдан иборат эди. Уни Ўрта Осиёга юборганларга шу керак эди. У ўз вазифасини аъло даражада бажаради. Биз учун А. Вамбери ёзиб қолдирган халкимизнинг ўтмиш ҳаётига оид ҳар бир тарихий далил қимматлидир.

Бухоро дўконларида А. Вамбери чойнинг 16 хилини қўрган ва уларнинг номини ўз ён дафтарига туширган. Уларнинг айримлари мана булар: қирқма, ахбор, ок қуйруқ, қора чой, сепет чой, ишбоғлу, гулбўй, пошун, мушук қўз, лонка (94-бет).

А. Вамберининг ўлчовича, ўша вақтлари Самарқанд сахни жихатидан Техронга тенг бўлган, лекин уйлар узокрок жойлашган, катта бинолар эса яхши ерларга қурилган (112-бет).

А. Вамбери Қарши шаҳрида факат уч кун турган бўлса-да, у ердан ҳам қўп далиллар тўплаган. Қарши қадимги Нахшабдир, деб ёзади у, ўзининг мавқеи ва савдо аҳамияти жихатидан Бухоро амирлигида иккинчи шаҳар саналади. Агар сиёсий тўс-тўполон монелик қилмаганда эди Қарши, Бухоро, Қобул ва Ҳиндистон билан бўладиган савдо-сотикда муҳим аҳамият қасб этарди. Вамберининг саноғига қўра, ўша вақтда Қаршининг аҳолиси 25 минг, асосан ўзбеклар бўлган ва улар амир аскарларининг асосини ташкил этган (114-бет).

ВАМБЕРИНИНГ ЮРТИМИЗДАН ЧИКИБ КЕТИШИ

Қарши А. Вамбери бўлган охириги бизнинг шаҳримиз эди. Бу шаҳарда уч кун тургач, у Амударёни кечиб ўтиб, Хиротга йўл олади.

1863 йил 15 ноябр куни Хиротдан 2000 кишилик қарвон билан Машҳадга қараб жўнайди. Ўн икки кун йўл юриб, 27 ноябр куни Машҳадга етиб келади ва бу Эрон шаҳрида биринчи қилган иши - Машҳад шаҳрининг губернатори бўлиб турган инглиз полковниги Долмаж қабулида бўлади. Мана шу кундан бошлаб Рашид афанди ўзининг дарвиш никобини олиб ташлаб, яна Армин Вамбери қиёфасига қиради. Инглиз полковниги Долмаж уни 1863 йил 25 декабр кунигача меҳмон қилади. Вамберининг ўзи иқдор бўлишича, янги йил - мавлудни меҳмондўст полковник билан ўтказиб, 1863 йил 26 декабр куни Техронга қараб юради. Бу сафар у қарвонсиз, ўзбек йўлдоши мулла Исҳоқ билан отда йўлга чиқади. А. Вамберидан у тўплаган Ўрта Осиёга оид дастлабки маълумотлар билан танишган инглиз полковниги Вамбери ва мулла Исҳоқни икки яхши от ва етарли йўл анжомлари ва ҳаражат билан таъминлайди.

1864 йил 20 январ Кун А. Вамбери ва мулла Исҳоқ Техронга етиб келишади: «Қўринишим қулгили ва аянчли бўлишига қарамай, мен Туркия элчихонасига шошилдим. Инглиз элчихонаси эса, мени ҳушмуомалалик ва самимият билан кутиб олди», деб хотирлайди А. Вамбери (146-147-бетлар). Чиндан ҳам, Буюк Британиянинг Эрондаги элчиси Алисон, унинг икки секретари Томсон ва Вотсон Вамберига илтифот

кўрсатишади ва Англияга етиб бориши билан Ўрта Осиё хотираларини босиб чиқаришда ёрдам беражакларини билдиришади.

Бу ерда бир нарсага эътибор бериш керак: ҳеч бир элчихонадаги учрашувда Вамберининг йўлдоши мулла Исхок иштирок этмайди. А. Вамберини элчилар, инглиз-харбийлари қабул қилиб, унга илтифот кўрсатишаётганда, мулла Исхок Маккага олиб бормокчи бўлган ўз хамроҳини қарвонсаройларда қутиб ўтирар эди.

Техронда А. Вамберини Эроннинг ёш шоҳи Назриддин ҳам қабул қилади. «Ёш Назриддиншоҳ мени богда қабул қилди», - деб эслайди Вамбери. - «У мендан (Ўрта Осиёлик) ҳамкасблари, хонликлар ҳақида сўради. Мен уларнинг сиёсий аҳоли танглигини айтдим. Ёш шоҳ ёнида ўтирган вазирга ўн беш минг аскар билан биз уларнинг ҳаммасини енгардик», деди (147-бет).

А. Вамбери Техронда икки ой тургач, 1864 йил март ойида Истанбулга қараб йўлга тушади. Истанбулда ҳамаси бўлиб уч соат (!) бўлади, бироқ шу вақт ичида ҳам дипломат барон Фон-Прокаш-Остен билан учрашади ва ундан ўзи тўплаган маълумотларни қандай ишлаб чиқиш ҳақида маслаҳат олади. Истанбулдан сўнг ўз ватани Венгрия пойтахтига ўтади. Ўша вақтлари Венгриянинг пойтахти бўлган Пештда мулла Исхокни дўстлари қўлига топшириб, яққа ўзи Лондонга - уни қутиб туришган шаҳарга йўл олади. А. Вамбери Лондонга 1864 йил 9 июл куни қириб келади. «Мен ватанимда ҳам кўп туrolмадим, чунки Англия қироллик география жамиятига ўз ҳисоботимни олиб боришга шошиляётган эдим», дея ўзини оқлашга уринади А. Вамбери (148-бет).

Вамбери «Ўрта Осиёга қилган сафарининг асл моҳияти тўғрисида сафаримнинг асл сири, моҳияти факат икки кишига аён эди», деб ёзади, лекин қимлар бу сафарнинг сиридан воқиф бўлганлиги ҳақида оғиз очмайди.

ВАМБЕРИНИНГ «ХИСОБОТ»И

Тарихдан маълумки, XIX юз йилликнинг ўрталари инглизлар Хиндистонда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олган, Афғонистон ва Ўрта Осиёга интиляётган бир давр эди. Бу йиллари рус армияси ҳам Оренбургга ўрнашиб олиб, қелгуси юришларини Туркистонга қаратишни режалаштиряётган эди. Инглизларга Ўрта Осиёнинг сиёсий аҳоли, географик мавқеи, аҳолиси, армияси ҳақида аниқ маълумотлар ҳаво билан сувдек зарур эди. Улар Ўрта Осиёга юборган бир неча сайёҳлар мақсадга эриша олмади: қатл этилди, қўлларда сувсизликдан нобуд бўлди, қегараларда ушлаб қолинди. Армин Вамбери инглизларнинг сўнгги умиди эди. У бу умидни тўла оқлади. Вамбери ақлли эди, илмли эди, айёр эди. У ҳар қандай қийинчиликка жисмонан қидади, чунки ёшлиги қийинчиликда ўтган эди; у ўз сафари давомида берилган ҳар қандай сўроқларга аниқ, тўғри жавоб берди, унинг илм доираси қенг эди.

А. Вамбери ўз ҳисоботиға қиришни Лондонда 1864 йил 28 сентябрда ёзиб тугаллаган.

А. Вамбери Хева, Қўқон хонликлари ва Бухоро амирлигиға оид тўла маълумотлар тўплай олди. Армин Вамбери ўз ҳисоботида сиёсий жабҳада бир неча йил кейин қечиши мумкин бўлган воқеаларни олдиндан башорат қила олди. Мана айрим далиллар:

а) А. Вамбери Хева хонлигиға қарашли 32 шаҳар ва жойнинг Амударёдан қанча мил

узокка жойлашганлигини аниклаб чиккан.

2) Унинг аниклашича, Бухоро амирлигининг армияси 40 минг отликдан иборат, керак бўлганда 60 минг отликкача ошиши мумкин (169-186-бетлар).

3) Россиянинг Ўрта Осиё билан алоқа киладиган йўллари: 1) Хева - Астрахан - Оренбург; 2) Бухоро - Оренбург; 3) Тошкент - Оренбург ва Кизилжар (Петропавловск); 4) Наманган ва Оксус - Пўлат (Семипалатинск) (201-бет).

А. Вамбери яна Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги йўлларни, уларнинг неча фарсахдан иборат эканлигини ҳам хисоботида киритган.

Вамбери Англияни Ўрта Осиёни Россияга бериб қўймасликка чакирган, рус армияси Ўрта Осиёга якинлашиб келаётганлигидан огохлантирган. «Айрим одамлар Лондонда Ўрта Осиё бизга керак эмас, керак бўлса руслар олаверсин, деб юришибди», - ёзади хисоботида А. Вамбери. - Англиянинг хинд ерларига Россиянинг якинлашиб келишига бефарк караши менинг аклимга сигмайди. Россиянинг Ўрта Осиёдаги хатти-харакатининг муваффакият қозонишига шубҳа қилмасам ҳам бўлади. Лекин Россия факат Бухоро билан чегараланадими? Ва у ўз интилишларини Амударё билан чегаралайдими? Мен Россия Туркистонни забт этганидан сўнг, бир кун келиб, Афғонистон ёки Шимолий Хиндистонга қараб юришдан ўзини тия олишини тасдиқлайдиган сиёсатдон билан учрашишни истар эдим. У хисоботини шу сўзлар билан тугаллайди: «Менинг камтарона фикрим шу. Британия шери рус айиги билан бу мамлакатларда душманлик муносабатида бўладими ёки ака-укаларча ўз ўлжаларини тенг бўлиб оладиларми - бу шундай масалаки, ўзини филологик тадқиқотларга бағишлаган бир дарвиш сифатида мен бунга якинрок ёндоша олмаيمان» (221-бет). Тарих шунга аниқлик киритдики, бу масалага энг якин ёндашганлардан бири мана шу дарвишнинг ўзи бўлиб чиқди. 1864 йили 10 сентябр куни чиққан сониди «Лондон Дейли телеграф» газетасининг Петербургдаги мухбири руслар Тошкентни ишғол этганлиги хақида хабар беради. А. Вамбери ўша кунги хисоботида бунинг тўғрилигига ишониб бўлмайди, бироқ руслар у ерда ҳаракат қилаётганликларига шубҳа йўқ, деб ёзади (221-бет). Вамбери бу масалада ҳам ҳақ бўлиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам, генерал Черняев 1864 йил 1 октябр куни ўз аскарлари билан шаҳарга якинлашади ва 2 октябр куни Қўқон йўлига чиқиб, шу томондан шаҳарга ҳужум уюштиради. Лекин бу ҳужум натижасида, унинг қўмондонлигидаги аскарлар талафот кўради, подполковник Обух ўлади, подполковник Лерхе ярадор бўлади. Бу муваффақиятсиз ҳужум туфайли, генерал Черняев аскарларидан 18 киши ўлади (2 таси офицер) ва 60 киши ярадор бўлади (2 таси офицер). Бу отряд 4 октябр куни Тошкентдан узоклашиб, 7 октябр куни Чимкентга қайтиб боради (бу ҳақда қаранг: А. И. Макшеев. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. С. Петербург. Военная Типография в здании Главного штаба, 199, стр. 227).

Тошкентни руслар 1865 йил 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси қаттиқ ҳужум билан забт этишади (ўша китоб, 223-бет).

Бу хисоботидан сўнг, А. Вамбери нимага эришди, деган савол тугилади. Рус совет ёзувчиси Н. Тихоновнинг анча юзаки битилган «Вамбери кассаси»да (Тошкент, 1963) бу саволга Вамбери тилидан шундай жавоб берилади: «Тортган машаққатларим, оқарган сочларим учун ҳеч ким бир пакир тўламади» (шу китоб, 54-бет). Бу, албатта, ҳақиқатдан йироқ фикр. Кейинги йиллари топилган ҳужжатлар шуни кўрсатадики, алоҳида хизматлари эвазига Армин Вамбери, америкалик олим Х. Б. Паксойнинг аниклашича, Британия Ташки ишлар идораси томонидан мунтазам ойлик, кейинчалик пенсия билан

таъминланиб турган (бу ҳақда қаранг: Х. В. Паксой. Ўрта Осиёнинг янги достонлари. «Сентрал эйшан сервей» журнари 6-том, 1-сон, 1987, 91-бет). Агар . А. Вамбери 1913 йили вафот этганлигини эсласак, 49 йил давомида Британия можор сайёҳига пул тўлаб турган бўлиб чиқади. Инглизлар бекорга пул тўламаслиги барчага аён!

Лондонда бир йил туриб, А. Вамбери 1864 йилнинг охирида Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат китобини англиз тилида чиқаради ва Европага машхур бўлиб кетади. Бир йилдан сўнг-1865 йили Париж орқали ўз ватанига қайтади ва Будапешт университетида шарк тилларидан профессор лавозимида ишлай бошлайди.

А. Вамбери 1913 йил 15 сентябр куни Будапештда 81 ёшида вафот этган.

ВАМБЕРИНИНГ АСАРЛАРИ

Армин Вамберига шухрат келтирган асар, сўзсиз, 1864 йили Лондонда англиз тилида чиккан «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» китоби ҳисобланади. Бу китоб икки қисмдан иборат бўлиб. 1-қисмда унинг Ўрта Осиёга қилган саёҳати хотиралари ўрин олган, 2-қисмда эса туркманлар, Хева, Бухоро, Қўқон, Хитой, Туркистон тарихи, сиёсий аҳоли, географик маъкеи ўрганилган. Бу китобнинг 23, 24 боблари Англия учун керакли Вамбери чиқарган ҳулосалардан иборат. 23 бобда Ўрта Осиёнинг ички ва ташқи сиёсий алоқалари ўрганилган, охириги - 24 боб Ўрта Осиёда русларнинг англизлар билан рақобати. Россия ва Англиянинг Ўрта Осиёга нисбатан тутган ўрни, деб аталади. Бу бобда А. Вамбери ўша давр Англия ҳуқмрон доиралари учун тайёрлаган ҳулосаларини баён қилади. Бу китоб бир пайтнинг ўзида Россия учун ҳам аҳамиятли эди. Шунинг учун бўлса керак, у дарҳол рус тилига таржима қилиниб, 1865 йили С-Петербургда босилиб чиқади.

Мазкур китобни Гарбдаги айрим мутахассислар жуда қисқалиқда танқид қилишади. А. Вамбери бу танқидни тан олиб, 1868 йили «Ўрта Осиё очерқлари» китобини нашр эттиради. Бу китоб биринчисини тўлдиради. У 17 бобдан иборат бўлиб, Ўрта Осиё халқлари тарихи ва ўша давр ҳаётининг турли масалаларини ёритишга бағишланган. Унда Хева саройи, уч хонлиқнинг ишлаб чиқариш қўчлари, Ўрта Осиёдаги турон ва эрон қабилаларининг этнографик хусусиятлари, Ўрта Осиё адабиёти қабри масалалар устида тўхтаб ўтилган. Бу китобнинг Ўрта Осиё адабиёти бобида Оллоёр, Низомий, Навоий, Ғузулий, Машраб газалларининг таржималари, «Қиссаи Сайқулмулук» асаридан бир парча келтирилган. Хусусан, Алишер Навоий ҳақида А. Вамбери ушбу фикрларни баён қилади: Машхур қишилар Навоий асарлари билан фахрланишади... «Навоий қам учрайдиган шеърят даҳосидир, у жуда ҳам маҳсулдор шоир бўлган. У ўзидан сўнг шеърят, тарих, одоб ва мантиска оид 32 асар қолдирган... Унинг Ўрта Осиё туркий шевасини улуглаганлигини, юқори даражага қўтарганлигини тан олмаслик мумкин эмас». (340, 341-бетлар). Бу китоби ёзилган йилларгача А. Вамбери Навоий асарлари билан тўла танишиб чикмаганлиги сезилади. У «Лайли ва Мажнун»ни тесқари «Мажнун ва Лайли» деб атайди. «Қиссаи Сайқулмулук»ни Навоий қаламига мансуб асар, деб ҳисоблайди.

1867 йили Вамберининг бошқа бир китоби чоп этилади. Бу унинг шу қўнларгача ўз қадрини йўқотмаган «Қигатой тилидан қўлланма» асаридир. Бу китоб немис тилида

Лейптсиг шаҳрида босилиб чиқади. Асар уч қисмдан - илмий тадқиқот, матнлар ва лугат қисмларидан иборат. Китобнинг биринчи қисмида тилнинг грамматик қурилишига оид маълумотлар, 2-қисмида Тохир ва Зухра, Юсуф ва Аҳмад, Хурилик ва Ҳамро каби асарлар келтирилади. А. Вамбери бундан ташқари 112 ўзбек халқ мақолини ўзбек тилида келтириб (араб ва латин ёзувларида), немис тилидаги таржимасини ҳам беради. Оллоёр, Насимий, Навоий, Ғузулий газалларидан намуналар ҳам бу китобдан ўрин олган.

Вамберининг илмий жихатдан катта аҳамиятга молик асарларидан бири - унинг 1873 йили ёзилган «Бухоро ёки Трансаксония тарихи» китобидир. Муаллиф Мовароуннахр (икки дарё оралиги)ни Трансаксония атамаси билан беради. Бу китобида у Бухоронинг энг қадимги даврларидан то XIX аср иккинчи ярмигача бўлган тарихини эълон қилинган ва эълон қилинмаган, ўзи Ўрта Осиёдан олиб кетган қўлёзмалар асосида баён қилади. Унинг китоби икки қисмдан ташкил топган: «Қадимги ёки Мовароуннахр тарихи» ва «Янги ёки Бухоро амирлиги тарихи».

Вамберининг барча асарлари билан танишиб чиққан киши унинг бир хусусиятига эътибор бермасдан қолмайди: У олдинги асарларида йўл қўйган ҳатоларини кейинги китобларида эътироф этиб, уларни тўғрилашга ҳаракат қилади. Бир қанча Ғарб олимлари ўрта аср ўзбек тилини чигатой тили атамаси билан номлаб келадилар. Вамбери ҳам ўзининг «Чигатой тили қўлланмаси» китобида худди шу йўлдан борган. «Бухоро ёки Трансаксония тарихи» китобида бу ҳатосини тузатишга ҳаракат қилиб ёзади: «Қўпгина Европа олимларининг, уларга мен ҳам ўзимнинг «Чигатой тилидан қўлланма» асаримда қўшилган эдим, фикрлари икки қарра ҳатодир... Биринчидан, Ўрта Осиё аҳолиси ҳеч вақт ўз юртини ҳам, ўз тилини ҳам чигатой деб атамаган. Бу ном Амударёнинг у томони Эронда форслар томонидан қўлланилган. Бу ўлканинг аҳолиси ўз юртини Туркистон, ўз тилини туркий тил, деб атаб келган. Иккинчидан, Чигатой мусулмонлар томонидан нимага эришган бўлса эришган, лекин муҳаббатга, ҳурматга эришмаган» («Бухоро ёки Трансаксония тарихи», 158-бет).

Вамбери бу китобида Темур тузуклари ҳақида ҳам қизик маълумот беради: «Инглиз маёри Деви Европага Хиндистондан олиб келган Тузуки Темур 457 саҳифадан иборат бўлиб, унинг саккиздан бир қисми форс тилида эди. Чигатой тилида ёзилган асл нусха Яман губернатори Жаъфар қутубхонасидан топилган. У аввал форс тилига, сўнгра 1830 йили маёр К. Стюарт томонидан инглиз тилига ўғирилган» (183-бет).

А. Вамбери Амир Темурга шундай таъриф беради: «Хирот ва Халаб олимлари билан баҳсга киришиб, ўзига ўхшаб фикрламаганларини муқофотлаган одамни қаҳри қаттиқ ва ёввойи дейиш мумкинми! Бурсадан Самарқандга юк хайвонларига бутун бошли бир қутубхонани ортиб, қўчириб келтирган кишини қаҳри қаттиқ ва ёввойи дейиш мумкинми! Шунинг учун ҳам Темурни Чингиз билан тенг қўйувчилар икки қарра ҳато қиладилар» (219-бет). Вамберининг кўрсатишича, Темур саройида хорижий олим ва рассомлари қўп бўлишган, бироқ мамлакатнинг расмий тили доимо туркий бўлиб қолган. Темурнинг ўзи равон ва таъсирли туркий тилда ёзган «Тузуқлар»и буни исботлайди.

Вамбери китобида Улугбекни улуглайди, унга тўғри, ҳолис баҳо беради: «Улугбек Ғарб дунёсида бир неча аср кейин ҳам номи ҳурмат билан тилга олинди ягона темурийлар сулоласидан эди... У ҳукм сурган давр темурийларнинг олтин даври саналади».

Темурий сулоласи ҳақида фикрларини А. Вамбери Бобурга берган баҳоси билан яқунлайди: «Бобур Мирзо ўз асарида («Бобурнома» - Х. И.) бизнинг кўз ўнгимизда ҳам шоир, ҳам сиёсатдон, ҳам файласуф шаклида гавдаланади. Туркий ва форсий

халкларнинг адабиётида ўзида шунчалик фойдали фикрларни оддий, равон тилда баён килган биронта бошка бунга ўхшаш китоб йўқ».

КЎНГИРОТЛИК МУЛЛА ИСХОК, КАЙДАСИЗ?

Вамберининг «Ўрта Осиё бўйлаб саёхат» китобидан маълумки, у Хеванинг Мухаммадамин мадрасасида асли Кўнгиротдан бўлган мулла Исхокни учратиб қолади. Мулла Исхок Маккага боришни орзу қилиб юрган. Вамбери билан танишгач, у ҳам Маккага боради, деб ўйлаб унга хамрох бўлган. Хевадан сўнг Бухоро, Самарканд ва Каршида бирга бўлишиб, А. Вамбери мулла Исхок ва яна номаълум икки хожи билан Хирот томон кетишади. Мулла Исхок сафар чоғида хақикий дўстлик намунасини кўрсатади. Вамберининг тан олиб ёзишча, уни ҳамма тарқ этган, бошка хамрохларининг бари ташлаб кетган, лекин бутун сафар чоғида биргина мулла Исхок уни ёлғиз қолдирмаган. Бунинг устига, у ҳар вақт ёши улуг бўлган Рашид Афанди - Вамбери билан бир қосада овқат емаган, Вамбери овқатдан олиб бермагунча унга қўл тегизмаган, у билан бир қаторда, ёнма-ён, тенг туришни ҳам одобдан деб билмаган. «У энг халол, очиккўнгил инсон эди, унинг гараздан йирок, соф муносабати хавф-хатарга тўла ёлғиз йўлимда менга далда ва суянчи бўлди», деб эслайди сайёх.

Мулла Исхокнинг тақдири билан танишгач, нима сабабдан Вамбери уни Европага ўзи билан олиб кетган, деган савол тугилади. Бу саволга «Ўрта Осиё очерклари» китобида А. Вамберининг ўзи жавоб беради: «Билимга интилиш ва менга яқинлиги ёш мулладан, чиндан ҳам, бирор арзирли киши чиқиб хис этганимда сўнг, ўша захоти мен уни ташлаб кетмасликка ва иложи бўлса, ўзим билан Европага олиб кетишга қарор қилдим. Мен бу қарорга Хиротга етмасимиздан анча олдин қилган эдим. Мен биринчи танишганимдаёқ унинг қалби софлигини сезгандим, бу масалада мен ҳеч қачон адашмаганман» (143-, 145-бетлар).

Истанбулга етиб қелишганда, А. Вамбери мулла Исхок қўлига пул бериб, Маккага бориладиган йўлни кўрсатади, лекин мулла Исхок ундан ўзини танҳо қолдирмасликни, Фарангистонни (Европани- Х. И.) бир қўриб, яна Истанбулга қайтажagini илтимос қилади. Шундан сўнг Вамбери мулла Исхокни Венгрияга бирга олиб кетиб, у ерда дўстлари қўлига топширади ва ўзи Лондонга қараб йўл олади.

А. Вамберининг дўсти мулла Исхокни қишлоқдаги бир уйга жойлаштиради, Вамбери эса Лондондан бир йилдан сўнг қайтади. Бу вақт ичида мулла Исхокнинг тақдири нима қечди, деб ўйлаш мумкин. Бу ҳақда А. Вамбери ушбу маълумотни беради: «Бир йилдан сўнг Англиядан қайтиб қелсам, қайси кўз билан қўрайки, мулла венгер либосида, салланинг ўрнида сўнгги модадаги причёска. Венгер тилини тез ўрганиб олган. Менинг мулламан ҳамма ёқтириб қолган. Бир сафар уни башанг қийинган, қўлларида қўлқоп, қайсидир хоним билан берилиб суҳбатлашиб турганини биринчи бор қўриб, рост, қулишга ҳолим қолмади. Икки йил аввалги Хева мадрасаси мулласининг ҳозирги башанг қўринишини қаранг» (150-бет).

Мулла Исхок ҳақиқатан ҳам венгер тилида ўқиш ва ёзишни яхши ўзлаштириб олганидан

сўнг, уни Д. Вамберининг дўстлари Венгрия Фанлар академияси кутубхонасининг Шарк кўлёзмалари бўлимига ишга жойлаштириб кўядилар. Мулла Исхок кейинчалик венгер тилидан ўзбек тилига айрим асарларни таржима қилган. Венгер ёзувчиси Янош Ареннинг «Ажойиб оху хакида афсона» достонининг мулла Исхок қилган ўзбекча таржимасини можор олими Г. Кара нашр эттирган. Мулла Исхок венгер олимларига ўзбек тили, Ўрта Осиё тарихи бўйича асар ёзишларида ёрдам берган, улар фактик далилларни мулла Исхокдан олишган.

Бу тарихий воқеанинг ачинарли томони шуки, мулла Исхокнинг сўнгги ҳаёти, қилган ишлари хусусида материаллар ҳали топилганича йўқ.

Венгриялик кинорежиссёр, Вамберининг мухлиси Жозеф Киш А. Вамбери билан мулла Исхокнинг бирга тушишган расмини топишга муваффақ бўлди. Бу расм қайси шаҳарда - Техрондами, Истанбулдами ёки Пештдами олинганлиги номаълум. Мулла Исхок ўз устози олдида одоб саклаб тик турибди, А. Вамбери шарқона ўтирибди.

Армин Вамбери ва унинг ҳамроҳи мулла Исхок хақидаги тарих мана шулардан иборат. Биз Армин Вамберига баҳо бераётганимизда, унинг дарвишлигини бўрттириб кўрсатиб, саёхатининг фақат саргузашт томонларига эътибор берибгина қолмасдан, дарвиш қийимини қийишга уни қандай шароит ва қим мажбур қилганлигини ҳам эътибордан соқит этмаслигимиз лозим.

Хайрулла Исматуллаев

«Фитна санъати» (2-қитоб, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1993) қитобидан олинди.